

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

2023 йил « 15 » Сентябр

40 -сон



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев

«Octobank»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ
(янги таҳрири)

Банк Акциядорларининг
2023 йил 30 августдаги
умумий йиғилиши томонидан
(44/2023-сонли баённома)

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ш.А. Пулатов



ТОШКЕНТ – 2023

1. «Octobank» акциядорлик жамияти (кейинчалик «Банк» деб юритилади) акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатувчи кредит ташкилоти ҳисобланади

2. Банк таъсисчилар йиғилишининг (2000 йил 26 апрел 001/2000-сонли баённома) қарорига биноан очиқ акциядорлик банк шаклида ташкил қилинган. Банк акциядорларининг 2023 йил 30 августдаги умумий йиғилиши (44/2023-сонли баённома) қарори билан банк номи «Ravnaq-bank» акциядорлик жамиятидан «Octobank» акциядорлик жамиятига ўзгартирилган.

3. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (янги тахрирда), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (янги тахрирда), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

4. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизими таркибига киради.

5. Банкни ташкил қилиш ва фаолиятидан мақсад - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида амалдаги қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган банк ва молиявий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек фойда олиш мақсадида юқорида кўрсатилган фаолият билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш ҳисобланади.

6. Банкнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида кирилл ёзувида: «Octobank» акциядорлик жамияти;

ўзбек тилида лотин ёзувида: «Octobank» aksiyadorlik jamiyati;

рус тилида: Акционерное общество «Octobank»;

инглиз тилида: Joint stock company «Octobank».

Банкнинг қисқартирилган номи:

ўзбек тилида кирилл ёзувида: «Octobank» АЖ;

ўзбек тилида лотин ёзувида: «Octobank» AJ;

рус тилида: АО «Octobank»;

инглиз тилида: JSC «Octobank».

7. Банк юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

8. Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқини бермаган ҳолда ўз филиалларини, ваколатхоналарни ва бошқа алоҳида бўлинмаларни ташкил қилиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва Банк уставида белгиланган қоидалар доирасида уларга ҳуқуқлар бериши мумкин.

Филиаллар Банк Кузатув кенгаши томонидан ташкил қилинади. Филиаллар давлат тилидаги ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампга ва ўз номидаги бланкаларга эга.

Филиаллар Банк номидан фаолият юритадилар. Банк ўз филиаллари фаолияти учун жавобгар бўлади. Филиал Бошқарувчилари банк томонидан берилган ишончнома асосида

фаолият юритадилар. Банк номидан ишончнома Банк Бошқаруви Раиси ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан берилади.

Филиаллар ўз фаолиятларини Банк кузатув кенгаши тасдиқлаган Низом асосида амалга оширадилар.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (кейинчалик «Марказий банк» деб юритилади) рухсати билан мамлакат ташқарисида шўъба банклар, филиаллар ва ваколатхоналар очиши мумкин. Банк томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиалларни тузиш, ваколатхоналарни ва шўъба банкларни очиш филиаллар, ваколатхоналар ва шўъба банклар турган жойдаги давлат қонунчилигига асосан амалга оширилади.

9. Банк маблағларининг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардир.

Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Банк ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Банк ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

10. Банк чекланмаган муддатга таъсис этилган. Ушбу Уставда Банкнинг кундалик хўжалик фаолияти деганда Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунинг (янги тахрирда) 5-моддасида кўрсатиб ўтилган банк операциялари тушунилади.

Шунингдек, Банкнинг кундалик хўжалик фаолияти деганда, банк томонидан берилган кредитлар (бўлиб-бўлиб сотиш, лизинг) бўйича қарздорлик ҳисобига қабул қилинган гаров ва ипотека мулкларини келгусида реализация қилиш билан боғлиқ бўлган битимларни (олди-сотди, бўлиб-бўлиб тўлашга сотиш, кредит, лизинг кабилар) ва қарзни бошқа шахсга ўтказиш битимларни тузиш тушунилади.

11. Банк ўзининг номи Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида банкнинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини ақс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Банкнинг юридик ва почта манзиллари: 100021, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси, 2 уй.

Банкнинг электрон почта манзили: info@octobank.uz

Банкнинг расмий веб-сайти: www.octobank.uz

12. Банк хизматлари кўрсатишнинг умумий шартлари, воситачилик ҳақи, тарифлар ва банк хизматлари кўрсатганлик учун фоиз ставкалари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот тижорат ёки банк сирининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Банк хизматлари кўрсатишнинг умумий шартларидаги ўзгаришлар улар кучга киришидан камида ўн кун олдин расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак, шунингдек фоиз ставкаларининг ва валюталарни айирбошлаш курсининг ўзгариши тўғрисидаги ахборот улар ўзгарган куни эълон қилинади.

Банкнинг ички қоидалари, шунингдек уларга киритиладиган кейинги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда Марказий банкка тақдим этилиши керак.

13. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва низоли вазиятларни бартараф этиш учун Банк ўз ичига қуйидагиларни олувчи манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади:

Банк мансабдор шахсларининг Банк манфаатини кўзлаб фаолият юритиш мажбурияти;

Банк мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

Банк мансабдор шахсларининг кузатув кенгашини манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти;

Банк кузатув кенгашининг рухсатсиз Банк мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишини тақиқлаш;

Банк мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш;

II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

14. Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий (банк) операциялар жумласига қуйидагилар киради:

пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

хужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

лизинг бериш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

15. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

ўз активларини сотишга;

чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

Банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкани мулкый ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

Банкка юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:

кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

Банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;

фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюрolari;

қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

Ушбу банднинг талаблари Банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга Банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга Банкка тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

16. Банк ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширади.

Банк жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

17. Банк аҳоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтлари шу жумладан норезидентларнинг бўш турган пул маблағлағларини жалб қилади ва уларни талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақларида, омонат, муддатли депозит ҳисобварақларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ҳисобварақлари ва мажбурият ҳисобварақларида сақлайди.

18. Банк корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга кредитнинг муддатлилиқ, қайтаришлиқ ва фойзлиқ принциплари асосида сўмда ёки чет эл валютасида кредитлашни амалга оширади.

Банк гаров, кафолатлар, кафиллик, мажбуриятлар асосида ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг қонунчилиғида назарда тутилган бошқа усуллари асосида кредитлар беради.

Банк бу кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятларнинг етарлилигини ўз кредит сиёсати ҳамда Марказий банк қоида ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

19. Марказий банк томонидан берилган лицензия мавжуд бўлганида, Банк мазкур лицензия асосида Марказий банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ чет эл валютасида операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

20. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириши мумкин.

III. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

21. Банкнинг устав капитали акциядорлар сотиб олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Банк томонидан чиқариладиган акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

Банкнинг устав капитали банк мол-мулкнинг Банк кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

22. Банк ҳужжатсиз шаклда оддий акцияларни чиқаради ва жойлаштиради.

Банкнинг акциялари эгаси ёзилган, эмиссион қимматли қоғозлардир. Банкнинг барча акцияларининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмни ташкил этади.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

23. Банкнинг устав капитали 200 000 000 000 (икки юз миллиард) сўмни ташкил этади ва қуйидаги акцияларга тақсимланади:

оддий эгаси ёзилган акциялар – номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 200 000 000 (икки юз миллион) дона миқдорда.

24. Банк томонидан устав капиталини қўпайтириш мақсадида чиқариладиган эълон қилинган қўшимча акцияларнинг суммаси 300 000 000 000 (уч юз миллиард) сўмни ташкил этади, шу жумладан:

оддий эгаси ёзилган акциялар – номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 300 000 000 (уч юз миллион) дона микдорда.

25. Банк акцияларини жойлаштиришда уларнинг ҳақини тўлаш фақат пул маблағлари билангина амалга оширилади.

26. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

27. Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акциялар Банк томонидан Банк уставига белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.

Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдоридан қайд этилади. Бунда банк уставига кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилади.

28. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айтишга ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

29. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини Банкнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш (бекор қилиш) шарт билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

Устав капиталини камайтириш ҳамда Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилиши капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

Банк ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг ўн фоизидан ошиши мумкин эмас.

30. Банк акцияларни очик ва ёпиқ обуна воситасида чиқариш ҳамда жойлаштиришга ҳақлидир.

Жойлаштириладиган акцияларнинг сони акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган микдордан кўп бўлмаслиги лозим.

Банк томонидан Банкнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қорғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган шайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Банк Уставида ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг қароридан банк акцияларини жойлаштириш услуги тўғрисида кўрсатма бўлмаса, жойлаштириш фақатгина очик обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

31. Банк фонд биржасининг расмий веб-сайтида жамият уставининг матнини, шу жумладан, унга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилади.

32. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида Устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

33. Банк операцияларини юритиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда банк мустақилдир.

34. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

омонатлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш; шартнома асосида депозит ва кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб қилиш ҳамда маблағларни бошқа банкларда жойлаштириш;

ташкил этиладиган ҳисоб-китоб маркази ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

банк операциялари бўйича воситачилик тўловлари миқдорини мустақил белгилаш;

барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондларни ташкил қилиш;

лицензияда, Банк уставида ва банк қонунчилигида назарда тутилган, ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.

35. Банк қуйидагиларга мажбур:

маблағларни Марказий банкда захирага қўйиш ва белгиланган пруденциал нормативларга риоя қилиш бўйича Марказий банк томонидан белгиланган талабларни бажариш;

кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш учун Марказий банк томонидан белгиланган тартиб ва миқдорларда захиралар ташкил этиш;

Марказий банк топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни амалга ошириш;

гаров (шу жумладан мол-мулк шаклидаги), бериладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олган ҳолда бериладиган кредитлар таъминланишининг локал тартибини белгилаш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

Банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

ўз мижоз ва вакилларининг операциялар, ҳисобварақлари ҳамда омонатлари бўйича махфийликни таъминлаш;

Банк истъёмолчининг талабига биноан унга банк хизматларини кўрсатиш шартлари билан танишиш имкониятини тақдим этиш.

36. Банк ўз миждози ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда омонатлари бўйича сирини кафолатлайди. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар миждознинг (вакилнинг) ўзига, миждоз томонидан ваколат берилган вакилга ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсларга берилади.

V. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ

37. Оддий акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

38. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқладиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

39. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.

Акциядорлар:

Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Банк тутатилган тақдирда ўзига тегишли улшга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг нархлари тўғрисида маълумотлар олиш;

Банкни бошқаришда иштирок этиш, шу жумладан Акциядорлар умумий йиғилишида ўзи ёки вакиллари орқали иштирок этиш ва овоз бериш, Банкнинг сайланадиган лавозимларига сайлаш ва сайланиш;

Банк уставига мувофиқ банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш, банк сирини ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкдан унга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш юзасидан ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;

Банк акцияларини сотиб олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилиланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида Банкдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқиляётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан кўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно;

Акциядор қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

40. Акциядор куйидагиларга мажбур:

Амалдаги қонунчилик доирасида Банк устави талабларига риоя қилиш ва Банк бошқаруви органи ўз ваколат доирасида қабул қилинган, акциядорларга тааллуқли бўлган қарорларини бажариш;

унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

Банк фаолияти тўғрисида сир тутиладиган, шу жумладан Банкнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни ошқор этмаслик;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш;

қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш учун банк томонидан сўраб олинладиган ахборотни тақдим этиш

41. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

Банкни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

Банк томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида;

Банкнинг акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақлидир.

Банк акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур Банк акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, Банкнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

Ушбу Уставнинг 32 бандида курсатиб ўтилган ҳолатларда улушлар, Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олган шахслар томонидан ўзгартирилган тақдирда, хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

42. Қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда Марказий банк куйидаги чоралар ҳамда санкцияларни алоҳида-алоҳида ёки жамланган тарзда қўллайди:

овоз бериш, акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиритиш ва ўтказишни талаб қилиш, кун тартибига масалаларни киритиш, Банк қузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатиш ҳамда Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ҳуқуқини тўхтатиб қўяди;

овоз бериш ҳуқуқи тўхтатиб қўйилган шахслар томонидан Банк акциялари сотилиши тўғрисида қарор қабул қилади;

Банк акцияларини олишга доир берилган дастлабки рухсатномани чақиритиб олади.

VI. БАНКНИНГ СОФ ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ. ДИВИДЕНДЛАР

43. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, Банк тасарруфида қолдирган фойда, ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига

кўра қайта инвестициялашни амалга ошириш, амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ захира фондларини ташкил қилиш ва акциялар бўйича дивидендлар тўлашга йўналтирилади.

44. Дивиденд Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Банк томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендлар Банкнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

45. Банк:

Банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Банк ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

46. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек Банкнинг кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзолари ва ходимларини муқофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошқор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф қилинмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида Банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

ушбу банд биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

47. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

48. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

49. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Банк акциядорларининг реестри Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш расмий эълон қилинган санадан 3 иш кун олдин шакллантирилади.

50. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

51. Банк Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ захира фондини тузати ва ундан фойдаланади. Банкнинг захира фонди устав капиталининг 15 фоизи миқдорида ташкил этилади. Банкнинг ҳисобот даврида ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

52. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг захира фонди Банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

53. Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича бошқа фондлар тузилиши мумкин. Банк фондлари маблағларидан фойдаланиш, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган тегишли фондлар тўғрисидаги низомларга мувофиқ Банк кузатув кенгаши қарори бўйича амалга оширилади.

VII. БАНКНИ БОШҚАРИШ

54. Қуйидагилар банкнинг Бошқарув органлари ҳисобланади:

Акциядорлар умумий йиғилиши;

Банк кузатув кенгаши;

Банк Бошқаруви.

Банк кузатув кенгаши ва Банк Бошқаруви Банк устави, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида банк фаолиятига раҳбарлик қилади.

Банк корпоратив бошқарувга оид сиёсатни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши шарт.

Банк кузатув кенгашининг ва Бошқарувининг аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуксон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Банк кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

Марказий банк Банк кузатув кенгашининг ва Бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга келишидан олдин келишиб олади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, Банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юбориши керак.

Банк бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари иш берувчининг розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаши мумкин, бундан уларнинг бошқа банклар ва ташкилотларда ишга жойлашуви манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Банк кузатув кенгашининг ва Бошқарувининг аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларни баҳолаш шартлари, баҳолаш учун зарур ҳужжатлар, малака талабларига мувофиқлик мезонлари, шунингдек уларни келишиб олиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

Акциядорлар умумий йиғилиши

55. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

56. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Банк уставини тасдиқлаш;

2) Банкни қайта ташкил этиш;

3) Банкни тугатиш, тугатувчини тайинлаш, оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Банк кузатув кенгаши ва Миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўқлатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Банк устав капиталини камайтириш;

7) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

8) Банк таркибий тузилмасини тасдиқлаш;

9) Банк кузатув кенгаши томонидан тайинланган Банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш;

10) Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

11) Банк Бошқаруви тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

12) Банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

13) Банкнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлар ҳисобварағини тасдиқлаш;

14) Банк кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва хулосаларини эшитиш;

15) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг акцияларни ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни имтёвзели сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

16) Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

17) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

18) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва шартларда аффилиланган шахс билан тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш.

Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда Банкнинг аффилиланган шахси билан шартларнинг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

19) мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олиняётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этадиган битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

20) фондларни тузилиш ҳақида қарорларни қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк уставига кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал этиш;

22) Банк фаолиятининг асосий йуналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

23) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк қўмушув кенгаши ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидагилар бундан мустасно:

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк Бошқарув аъзоларини лавозимига тайинлаш ва ваколатларини муддатидан кенгайтириш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

57. Овозга кўйилган масалалар бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Банк уставининг 56-банди 1), 2), 3), 5), 14) 18), 19) кичик бандларида ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Солиққа оид ёки давлат олдидagi бошқа қарздорлик ҳисобига Банк устав қонунчилигидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Банк Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

58. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

59. Банк Акциядорлар умумий йиғилишини ҳар йили ўтказиши шарт. Акциядорлар умумий ҳисобот йиғилиши ҳар йили молия йили тугагандан кейин кўпи билан 6 (олти) ой ичида ўтказилади.

60. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига расмий эълон қилинган Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санасидан 3 иш кун олдин шакллантириладиган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга.

61. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

62. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар (материаллар)га Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банкнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки шартномани бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида Банк кузатув кенгаши хулосаси, Банк кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки янги тақдирдаги Банк уставининг лойиҳаси киради.

63. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядори) банкнинг молия йили тугагандан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк кузатув кенгаши бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Банк кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатида Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 иш кундан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Банк кузатув кенгаши номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Банк акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

Банк кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай уларни Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядор (акциядорлар) киритган масала Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар Банк кузатув кенгаши сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

акциядор (акциядорлар) ушбу банднинг биринчи қисмида белгиланган муддатга риязат қилган бўлса;

акциядор (акциядорлар) ушбу банднинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатдаги банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу банднинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар ушбу Уставнинг ёки бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

Банк кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк кузатув кенгаши сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори ана шу масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга (акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан узоғи билан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Банк кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк кузатув кенгаши сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

64. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим қилинган санода Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Банк кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига ўтказиш, акциядорлар Марказий банк томонидан белгиланган масалаларни, шу жумладан банк капиталини банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган мақсадорча қўлайтириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги Марказий банк томонидан қўйилган талаб бажарилмаганда, Марказий банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга ва кун тартибини белгилашга ҳақли.

65. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор Акциядорлар умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

66. Акциядорнинг вакили Акциядорлар умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) ақс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан

Берилган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилди.

Агар банкнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

67. Агар Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

68. Акциядорлар умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кузатув кенгаши томонидан қақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилди.

69. Банк кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумот акс эттирилган бўлиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

70. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мажбурият тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг ҳисоблари томонидан имзоланади.

71. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам Акциядорлар умумий йиғилишида Раислик қилувчи ва Акциядорлар умумий йиғилиши котиби томонидан имзоланади.

Банк кузатув кенгаши

72. Банк кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, банкнинг оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажарди ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

73. Банк кузатув кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар кириди:

- 1) банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;
- 2) стратегик мақсадларни, Банкнинг сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни амалга ошириш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;
- 3) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши қилинган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

- 4) банкнинг узок муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан аниқлашга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;
- 5) йиллик ва навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишларини чақириш, шунинг ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 6) акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлаш;
- 7) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 8) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 9) эълон қилинган акциялар сони ва тури доирасида Банк томонидан қўшимча шартларни жойлаштириш орқали Банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар (акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи)ни тасдиқлаш;
- 10) Банкни қайта ташкил қилиш, йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларни, фойда ва зарарлар тақсимланишини тасдиқлаш, Банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Банк уставини тасдиқлаш тўғрисида таклифларни кўриб чиқиш учун Акциядорлар умумий йиғилишига киритиш;
- 11) Банк уставига унинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- 12) Банкнинг аввал рўйхатдан ўтган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш;
- 13) аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқарувида бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг бозор қийматини белгиланган тартибда аниқлашни топширади;
- 15) йиллик бизнес-режа ва Банк фаолияти йўналишлари бўйича Банк сиёсатларини тасдиқлаш;
- 16) Марказий банк билан келишган ҳолда Банк Бошқаруви раисини лавозимига тайинлаш ва муддатидан олдин ваколатини тугатиш ва кейинчалик бу масалани Акциядорлар умумий йиғилишига киритиш;
- 17) Банк Бошқаруви аъзоларини лавозимига тайинлаш ва муддатидан олдин ваколатини тугатиш;
- 18) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек улар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- 19) Банк Бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- 20) Банк бошқарувида тавсиялар бериш;
- 21) акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида тавсиялар бериш;
- 22) Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 23) Банкнинг таркибий тузилмалари ва филиаллари фаолият тартибини белгиловчи локал ҳужжатларни тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига тааллуқли бўлган локал ҳужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) бундан мустасно;
- 24) Банк ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил қилиш;
- 25) Банкнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

26) Банк кўмиталарини ташкил қилиш ва улар тўғрисидаги низомлар, шунингдек ички аудит ва ички назорат хизмати низомларини тасдиқлаш;

27) мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки шайланган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан элик фоизигача ташкил этувчи битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, кундалик кўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган йирик битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасво. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

28) Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажбурий иштирок этаётган Банк қузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бунда Банкнинг аффилиланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

29) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

30) Банк билан алоқадор бўлган шахслар билан операцияларни амалга оширишга рухсат бериш;

31) Банк акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва ўқатган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

32) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айвирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

33) Банк томонидан қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида ва Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

34) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Банк қузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда назарда тутилган Банк қузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Банк қузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар Банк Бошқарувига ҳал қилиш учун ўтказилиши мумкин эмас.

74. Банк қузатув кенгаши мажбуриятлари:

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб бориш;

ўз ваколатларини Банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

Банкка ваколатли раҳбарликни таъминлаш;

Банк Бошқаруви томонидан тайёрланган Банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режаларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

Банк тезкор фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғриллиги устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);

Банкнинг етарли даражадаги капиталлашувини кўллаб-қувватлаш;

Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;

Банкнинг фойда кўриши мониторингини олиб бориш;
ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;
Банк маъсдаларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини амалга ошириш учун етарли сиёсатларни белгилаш;
ҳар чарада Банк фаолияти натижалари тўғрисидаги Банк Бошқаруви ва ички аудит қўмитасининг ҳисоботларни эшитиш;
Банк операциялари учун мос назоратни таъминлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк сиёсатларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;
ишбилармон бошқариш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга риоя қилинишига тўғрисидаги ҳисоботни йиллик Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиш.

75. Банк кузатув кенгаши 5 кишидан иборат таркибда сайланади. Банк кузатув кенгаши аъзолари Акциядорлар умумий йиғилишида чекланмаган ҳолда қайта сайланиш ҳуқуқи билан уч йилга сайланади.

Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув Раиси, шунингдек Банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар Банк кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Марказий банк Банк кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лозимга киришишидан олдин келишиб олади.

Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

76. Банк кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарихда овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

77. Банк кузатув кенгаши Раиси Банк кузатув кенгаши умумий аъзолари сонининг кўпчилиги овози билан Банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

78. Банк кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилади. Ушбу аъзо ҳар уч йилда қайта сайланиши мумкин.

Қўйидаги шахс Банк кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:
сўнги уч йил мобайнида Банкда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

Банкнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

Банкнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

Банк ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан Банк кузатув кенгаши аъзосининг вазибалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

Банк бошқарув органлар ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олувчиси), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс. Банк кузатув кенгаши Раиси Банк кузатув кенгаши ишини ташкил этади, мажлисларини чақиради ва уларда Раислик қилади, Банк кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида Раислик қилади, Банк номидан Бошқарув Раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузади.

Банк кузатув кенгаши Раиси жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини Банк кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

79. Банк кузатув кенгаши мажлиси кузатув кенгаши Раисининг ўз ташаббусига кўра Банк кузатув кенгашининг аъзоси, Банк Бошқаруви, ички аудит хизмати раҳбари, Банк ташқи аудити талабига кўра чақирилади.

80. Банк кузатув кенгаши ҳар ой камида бир марта чақирилади.

81. Банк кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Банк кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Банк кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу Уставда назарда тутилган миқдорнинг 75 фоизидан кам бўлиб қолса, Банк кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун фавқулодда (навбатдан ташқари) Акциядорлар умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк кузатув кенгашининг қолган аъзолари ана шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

82. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Банкнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Банк кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Банк фақат мазкур Банк кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Банкнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби Банк кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

83. Банк кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда иштирок этаётган Банк кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар ушбу Устав ва қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса.

Банк кузатув кенгаши қарорларини қабул қилишда овозлар тенг бўлган ҳолларда Банк кузатув кенгаши Раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

Банк кузатув кенгаши аъзоси ўз овозини бошқа Банк кузатув кенгаши аъзосига бермоғига йўл қўйилмайди.

84. Банк кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади, у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади ва тасдиқланади.

Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

Банк кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк Бошқарувига қаро этиш учун топширилади. Банк кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишига чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги маълумот Банк Бошқарувига Банк кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Банк Бошқаруви

85. Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи Банк Бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланади.

Банк Бошқаруви Банк кузатув кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисобланади.

86. Банк Бошқаруви 7 кишидан иборатдир. Банк Бошқаруви таркибига Раис, унинг ўринбосарлари, Банкнинг бош бухгалтери ва юридик хизмат бошлиғи киради. Банк Бошқаруви таркибига шунингдек банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари кириши мумкин.

Марказий банк Банк Бошқарувнинг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимига киришишидан олдин келишиб олади.

87. Банк Бошқарув Раиси ўз лавозимига Марказий банк билан келишилган ҳолда Банк кузатув кенгаши қарори билан уч йил муддатга тайинланади ва кейинчалик Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилади.

Бошқарув аъзолари Банк кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга тайинланади.

Банк Бошқарувида чет эллик менежерлар ҳам аъзо бўлиши мумкин.

88. Банк Бошқаруви ваколатига ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгаши мутлақ ваколатларига кирадиган масалалардан ташқари, Банк фаолиятига кундалик раҳбарлик қилиш билан боғлиқ барча масалалар киради.

Банк Бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

Банк Бошқаруви:

Банкнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштиради;

ички назорат ва ички аудит хизматлари низомларидан ташқари Банк таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Банкнинг кундалик фаолиятидаги муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

Банк ички аудити департаментининг текширув натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни ҳар чоракда кўриб чиқади ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

ташқи аудит текшируви натижалари ва Марказий банк томонидан ўтказилган инспекция (текширув) ҳисоботларини батафсил таҳлил қилади;

кредит, инвестиция, эмиссия сиёсатлари, Банк ликвидлигини бошқариш сиёсатини назорат қилувчи Банкни бошқариш учун сиёсатлар ишлаб чиқиш чора-тадбирларини кўради;

биланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган ҳолда Банк соф активлари миқдорининг беш фоизидан ўн беш фоизигача бўлган мол-мулкни Банк олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ йирик битимларни тузади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомга биноан Банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалаларни ҳал қилади.

89. Банк Бошқаруви мажлиси, агар унда Банк Бошқарувининг камида 4 аъзоси ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қарорлар Банк Бошқаруви мажлисида иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Банк Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Банк Бошқаруви аъзоси Банк Бошқаруви қарорига қўшилмаган ҳолларда Банк кузатув кенгашига ўз фикри тўғрисида хабар бериши мумкин.

90. Банк Бошқаруви мажлисида баённома юритилади. Банк Бошқаруви мажлисининг баённомаси Банк кузатув кенгаши аъзолари талаби бўйича уларга тақдим қилинади.

Банк Бошқаруви мажлисини ўтказилишини, Банк номидан барча ҳужжатларга ва Банк Бошқаруви мажлиси баённомасига имзо чекувчи Банк Бошқаруви Раиси ташкил қилади.

91. Банк Бошқарув Раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низом, шунингдек Банк ҳар бир Бошқарув аъзоси билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Банк номидан шартномаларга Банк кузатув кенгаши Раиси ёки Банк кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Банк Бошқаруви Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгаши олдида Банкнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари шариъатлиги назарда тутилиши лозим.

92. Банк Бошқаруви Раиси шартнома шартларини бузганда Акциядорлар умумий йиғилиши у билан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Банк кузатув кенгаши Банк Бошқаруви Раиси, аъзолари билан тузилган шартномани, улар Банк уставини кўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

93. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Банк Бошқаруви Раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Банк Бошқаруви Раиси ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша умумий йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёки Банк Бошқаруви Раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда яқин орадаги Акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қарор қабул қилиниши мумкин.

94. Банк Бошқаруви Раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Банк кузатув кенгаши Банк Бошқаруви Раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Банк Бошқаруви Раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакради.

95. Банк Бошқаруви Раиси:

Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгаши қарорлари ижросини таъминлайди;

Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифода қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставада белгиланган шартларда мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этади;

Банк ташкилий тузилмасини аниқлайди, Банк қоидалари, иш тартиби ва бошқа локал ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк кузатув кенгаши ва Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган локал ҳужжатлар бундан мустасно;

Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган локал ҳужжатларни имзолайди;

Банк, филиаллар ва ваколатхоналарнинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

ишончномалар беради;

банкларда Банкнинг вакиллик, валюта, ҳисоб-рақамлари ва бошқа ҳисоб-рақамларини

очад.

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилади;

Банк кундалик ҳужалик фаолиятини юритиш асосида содир этиладиган битимлар (тартибмалар) тузади;

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган савдо Банк соф активлари миқдорининг беш фоизгача ташкил этувчи мол-мулкни Банкнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ битимларни тузади, уларни муддатини узайтиришни маъқуллаш, бундан мустасно;

кадрларни, шу жумладан бош бухгалтер, бўлинма, филиал ва ваколатхоналар раҳбарларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Банк ходимларини қонун ҳужжатларида ушбу Устав, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгаши томонидан белгиланган тартибда рағбатлантиради, шунингдек уларни иттизомий ва моддий жавобгарликка тортади;

Банк ходимларининг барчаси учун мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар чиқаради;

Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк кузатув кенгаши фаолиятини ташкилий ташкилий ташкилий ташкилий амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Банк фаолиятининг бошқа кундалик масалаларини ҳал қилади.

VIII. БАНКНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ

96. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Банкда уларнинг орасидан Миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил қилинади.

97. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Банкда Банк кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Банк кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд ақдорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Банк кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган ақдорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига Банк Бошқарув Раиси, Банк Бошқаруви аъзолари, шунингдек Банкнинг кузатув кенгашига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

98. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар кириди:

1) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Банкнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

2) Миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

3) қисматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

99. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

100. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 та дан иборат.

101. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

102. Миноритар акциядорлар қўмитасининг Раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

103. Миноритар акциядорлар қўмитаси Банкнинг хўжалик фаолиятига аралашшга ҳақли эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига Банк кузатув кенгашининг ёки Банк Бошқарувининг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

IX. БАНК ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

104. Банк Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиши шарт.

105. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, шунингдек органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк Бошқаруви зиммасида бўлади.

Банк сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

Акциядорлар банк ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

106. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

107. Банкнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўқийладиган санадан камида 10 кун олдин Банк кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

108. Йиллик баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

109. Тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини мустақил аудиторлик ташкилоти тасдиқлагандан сўнг, банк қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молиявий ҳисоботини эълон қилади.

Банк Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан утказилганидан кейин акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши утказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

110. Банкнинг операцияларини бажарадиган йил 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.

X. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

111. Банкнинг молия-хўжалик фаолият устидан назоратни амалга ошириш учун инспекторлар умумий йиғилиши томонидан Ички аудит хизматини ташкил этади. Банк ташкил комиссиясини ташкил этиш кўзда тутилмаган.

112. Ички аудит хизмати Банкнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан конун ҳужжатлари, Банк устави ва бошқа локал ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри ақс кўрсатишига таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган шартлари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, унинг банкни бошқариш юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали уларнинг ишини назорат қилиш ҳамда баҳолайди.

113. Ички аудит хизмати Банк кузатув кенгаши олдида ҳисобдордир.

114. Банк аудити мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳар йили олиб борилади. Аудиторлик ташкилоти Банк билан тузилган шартномага мувофиқ конун қўйинларида белгиланган тартибда Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

115. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа маълумотлар ҳақида нотўғри хулоса баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида оқибатда зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

116. Аудиторлик текширувларидан мақсад аудиторларнинг қуйидагилар билан боғлиқ хулоса фикрини олиш ҳисобланади:

Банкнинг молиявий ҳисоботлари ишончлилиги ва уларнинг миллий ва халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқлиги;

ички назорат тизимини ташкил қилиш ва ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши;

Банкнинг банк қонунчилигига ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига риоя этиши; банклар билан ўзаро муносабатларида олиб борилган операциялари, унинг молиявий фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва маъмурий назорат тизимининг тўғрилиги ва самардорлиги.

XI. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

117. Банкни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-53 моддалари, шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини қўллаш қўлини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 92-101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

118. Банкни қайта ташкил этиш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра «қўлиб қабриш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклларида Марказий банкдан рұхсатнома олган ҳолда амалга оширилади.

119. Банк уставига Банкнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қонунчилик ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

120. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин қайта ташкил этилаётган банк 30 кундан кеч бўлмаган муддатда ёзма равишда маълум қилиш ва камида иккита марказий газеталарда тасдиқланган эълон бериш йўли билан ўз кредиторларини келгусидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиши шарт.

121. Банкни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-56 моддалари, шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 98-101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

122. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда амалга оширилиши мумкин.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш учун:

Акциядорлар умумий йиғилишининг Банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;

Марказий банк бошқарувининг Банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш, шу жумладан ихтиёрий шаклда тугатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан тўрт ой ичида тасдиқланган деб ва банк тугатилган деб ҳисобланади.

123. Ихтиёрий тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори асосида, кредиторлар ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш имконияти мавжуд бўлганда ҳамда Марказий банкнинг рухсати олинганда амалга оширилади.

124. Банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар омонатларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

125. Банкни ихтиёрий тугатишга рухсат олиш учун Акциядорлар умумий йиғилишининг мазкур қарори қабул қилинганидан кейин беш кундан кечиктирмай Марказий банкка қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза беради:

Банкни тугатиш тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатиш шартлари кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор;

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган, тугатиш жараёнини, кредиторларнинг ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш тартиб-таомиллари ва муддатлари доирасидаги ташкилий-амалий чора-тадбирларни ўз ичига олган тугатиш режаси.

Ихтиёрий тугатишга рухсат бериш тўғрисида Марказий банкка ариза билан мурожаат қилинган пайтдаги талабларни қаноатлантириш учун маблағлар етарли эканлигини тасдиқловчи баланс ҳисоботи;

тугатиш комиссиясининг таркиби тўғрисидаги ахборот ва бошқа зарур маълумотлар.

126. Банкни тугатиш комиссияси олдиндан Марказий банк билан келишилган ҳолда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Агар тугатиш комиссияси тайинланмаган бўлса, Банкни тугатиш бўйича комиссия Марказий банк бошқарувининг қарори билан ташкил этилади.

127. Марказий банк банкни ихтиёрий тугатишга рухсат бериш тўғрисидаги аризани кундан эътиборан икки ой ичида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида белгиланган тартибда ихтиёрий тугатишга рухсат беради ёки тугатишни рад этади.

128. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан банк ишларини бошқариш бўйича, шу жумладан Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви ваколатлари ушбу комиссияга ўтади.

129. Тугатиш комиссияси тайинланган санадан эътиборан икки кун ичида оммавий айланиш воситаларида, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида Банк тугатилганлиги, шу жумладан унинг омонатчилари ва кредиторлари томонидан талабларни қаноатлантириш тўғрисидаги аризаларни бериш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги эълонни чоп этиши шарт. Талабларни тақдим этиш муддати Банк тугатилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинган кундан эътиборан икки ойни ташкил этади ва мазкур муддат тугатилгандан сўнг тугатиш комиссияси томонидан талаблар қабул қилинмайди.

130. Тугатиш комиссияси қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ахборотни ҳам ошкор қилиши керак.

131. Тугатиш комиссияси лицензия чақириб олинган кундан эътиборан икки ой ичида кредиторларни аниқлаш ҳамда дебиторлик қарзларини ва Марказий банкнинг мажбурий захиралар жамғармасида депозитга қўйилган маблағларни олиш чораларини кўради. Мазкур маблағлар биринчи навбатда тугатилаётган банкнинг қарзларини жисмоний шахсларнинг талаблари асосида тўлашга қаратилади, бундан банкка алоқадор бўлган шахслар мустасно.

132. Банк Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори асосида мажбурий тугатилади.

133. Банкни мажбурий тугатиш чоғида тугатиш комиссияси Марказий банк томонидан тайинланади.

134. Марказий банк тугатиш комиссияси таркибига Марказий банк ходимларини киритишга ҳақли.

ХП. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

135. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ёки ваколати доирасида Банк кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Банк уставини янги таҳрирда қабул қилиш Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича амалга оширилади.


136. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банк уставини янги таҳрирда қабул қилиш банкни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

137. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учинчи шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан кучга киради.

138. Банкнинг устави, унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Банкнинг ички қоидалари, шунингдек уларга киритиладиган кейинги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда Марказий банкка тақдим этилиши керак.

Бошқарув Раиси



Турсунов И.Б.